O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 апрел шанба

Сотувда эркин нархда
№ 78 (2375)

ШУ СОНГА ХАБАР

## «МУРОД» ХОРИЖГА ЧИҚМОҚЧИ

Нурота туманидаги "Мурод" кичик корхонаси Италиянинг фирмалари билан қўшма корхона тузиш бўйича ҳужжатларни имзолади. Келишувга бинон корхонада қиймати 2 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг янги технология ва ускуна ўрнатилади ва туманнинг чорвачилик хўжаликларида етиштирилаётган қоракўл ҳамда мол терилари қайта ишланиб, турли чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона маҳсулотини асосан хорижга экспорт қилиш режалаштирилган.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

## 21 апрел куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви давом этди

Музокараларда минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Бунда Президентларнинг диққат-эътиборини тортган асосий масала террорчилик, диний экстремизм ҳамда халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақага таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўлди.

Музокаралар натижасида иккита ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Қўшма баёноти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга соя солиш учун сўнгги пайтларда атайлаб тарқатилаётган айрим асоссиз миш-мишларга чек қўйса, тўрт мамлакат раҳбарлари имзолаган террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳар қандай ташқи таъсирдан ягона фронт бўлиб ҳимояланишни кўзда тутади.

Тўрт томонлама битимнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у ўта амалий аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида хавфсизлик борасида бундай ҳужжат илгари қабул қилинмаган. Битим ташқаридан келадиган хавфни бартараф этишда мамлакатларимизнинг куч-қудратини бирлаштириш, тезкор чоралар кўриш имкониятларини кенгайтиради. Президент Ислом



Каримов учрашув сўнггида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига тўхталар экан, унинг минтақамиз давлатларига террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, ақидапарастлик сингари офатлар таҳдид солиб турган ҳозирги шароитда бир ёқадан бош чиқариб иш кўришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегараларни делимитация қилиш, соддароқ айтганда, белгилаш жараёни бошланган. Шу масала билан шуғулланувчи икки томонлама комиссия аввал Остонада, кейин Тошкентда мажлис ўтказди. Иш рисоладагидек кетяпти. Бироқ сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегара масаласи бўйича келишмовчиликлар юзага келаётгани ҳақида асоссиз овозаю миш-мишлар пайдо бўла бошлади. Президентлар — Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг Қўшма баёноти ана шундай иғвогарлик ўйинларини уюштирувчи кучларга қарши жиддий зарба бўлди ва ҳар хил миш-мишларга чек қўйди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Президентлар икки кун давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга тааллуқли барча масалаларни кўриб чиқди ва энди Қўшма баёнот имзолангандан кейин бундай гапларга умуман ўрин қолмади.

Матбуот анжуманида, Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролари ўзаро борди-келди қилиши учун энди виза олиши керак бўлармиш, қабилидаги гап-сўзлар шунчаки уйдирма эканлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг айтишича, бундай борди-келди учун ҳеч қандай виза талаб қилинмайди. Фақат, давлатлараро замонавий муносабатлар тамойилларига кўра, фуқаролар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтаётганда, чегарада паспорт текшируви ўтказилади. Мантиқан олиб қаралганда ҳам, бир давлатдан иккинчи давлатга ўтган фуқаро текширувдан ўтиши шарт. Бундай тадбир икки томонлама муносабатларга путур етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишда ҳам қўл келади. Масалан, ўтган йили 16 феврал куни Тошкентда портлаш уюштирган террорчилар чегарадан бемалол ўтиб, Қозоғистонда яширинишга уринган. Бунинг учун Қозоғистон томонини айблаб бўладими? Йўқ. Аксинча, қўшни мамлакат махсус хизматлари ходимларига жиноятчиларни ушлашда катта ёрдам кўрсатгани учун ташаккур айтиш керак. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор. Чегараларимизда аввалдан қатъий назорат бўлганида, террорчилар чиқиб кета олмасди.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон раҳбарининг чегарада назоратни кучайтириш борасидаги фикрини қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, ҳар икки томон учун ҳам зарурат юзасидан кўриладиган бундай тадбирлардан ваҳимали шов-шув ясамаслик, уларнинг негизидан қандайдир сиёсий сабаблар қидирмаслик керак. Давр шуни талаб қиляптими, демак шундай йўл тутиш керак. Қолаверса, чегара масалалари жуда нозик иш бўлиб, бу борада, ҳатто якдиллиги дунёга намуна сифатида кўрсатиладиган Европа Иттифоқида ҳам мукаммалликка эришилмаган. Хабарларга кўра, мазкур иттифоққа аъзо айрим давлатлар Шенген битимидан чиқишни кўзлаб турибди. Бу визасиз борди-келдини бекор қилиш, деган гап.

Аслида, ҳамма гап хавфсизлик муаммоларига бориб тақалади. Қўшни Афғонистонда нотинчлик ҳукм сурар экан, аввало шу муаммони ечиш устида ҳамкорликда бош қотириш керак. Афсуски, халқаро ҳамжамият Афғонистон муаммосига ҳамон жиддий эътибор бермаяпти. Тўғри, Президентимиз ташаббуси билан тузилган "6+2" гуруҳининг фаолияти изчил давом эттириляпти. Унга БМТ Хавфсизлик кенгашининг уч аъзоси – Россия, АҚШ ва Хитой қўшилган. Айни пайтда Франция билан Буюк Британия ҳам унга қўшилиш истагида. Қабул қилинган Тошкент декларацияси эса БМТнинг ҳужжати мақомини олмоқда. Лекин амалда Афғонистондаги икки қарама-қарши кучга ташқи, аниқроғи, ўзга мамлакатлардан ёрдам келиш давом этяпти. Йўқса, матбуот анжуманида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов таъкидлаганидек, қурол-яроғ заводига эга бўлмаган, қашшоқ мамлакат замонавий ҳарбий-техника, қурол-аслаҳа ва ўқ-дорини қаердан олади?

Афғонистон аллақачон наркобизнес ва терроринг уясига айланиб бўлган. У ерда гаёҳвандлик ўсимликлари етиштириладиган майдонлар ва уларни қайта ишловчи лабораториялар, қўпорувчилар тайёрлайдиган лагерлар мавжудлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ўша наркотик моддалар ва террорчилар дунёнинг исталган мамлакатида пайдо бўлиши мумкин. Демак,бу хавф фақат Афғонистоннинг қўшниларигагина эмас, бутун дунёга таҳдид солмоқда. Унинг олдини олиш учун эса жаҳон ҳамжамияти биргаликда чора-тадбирлар кўриши лозим.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ниҳоясига етди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирни, ҳеч иккиланмай, тарихий учрашув, деб аташ мумкин. Зеро, унда имзоланган тўрт томонлама Битим мамлакатларимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва халқларимиз ҳаётининг осудалигини таъминлашга қаратилган жуда муҳим ҳужжатдир. Унинг шу кунлиёқ минтақамизда ташқи хавфга қарши яратилган ягона ва мустаҳкам фронт ҳамда мудофаа соҳасидаги иттифоқчилик асоси, деб баҳо олгани бежиз эмас.

**Анвар БОБОЕВ (ЎзА).**

**СУРАТДА: учрашув пайтидан лавҳа.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

**Тошкентда "Ўзқишхўжтаъминоттузатиш" Давлат кооператив қўмитаси корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сармоя жалб қилиш имкониятлари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Анжуман "Ўзқишхўжтаъминоттузатиш" Давлат кооператив қўмитаси, "Пахтабанк" ва Хорижий сармоялар бўйича агентлик томонидан ташкил этилди.**

## МАҚСАД – САРМОЯ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Ўзбекистон ҳукумати республикада хорижий сармоя жалб қилиниши учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтирилган сармоя ҳажмини кўпайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу корхоналарнинг ўз имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиши, молиявий танқислик билан боғлиқ муаммоларини нисбатан енгил ҳал қилишида муҳим омил бўляпти.

"Ўзқишхўжтаъминоттузатиш" Давлат кооператив қўмитаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаси таъминоти учун масъул ташкилот ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер унумдорлиги ва унга ишлов бериш сифатини яхшилаш долзарб масала бўлиб турган шу кунларда қўмита мазкур соҳага сармоя жалб қилиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоиз, 1996-1999 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигида техника таъминотини яхшилаш мақсадида бир неча қарорлар қабул қилди. Шу ҳужжатлар асосида "Ўзқишхўжтаъминоттузатиш" қўмитаси ва замонавий қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасида қатор шартномалар имзоланди. Жаҳоннинг нуфузли банклари томонидан маблағ билан таъминланган ушбу шартномалар бўйича мамлакатимизга 1090 дона замонавий дон ўриш комбайни, 1995 дона трактор, 1950 та плуг ҳамда кўплаб эҳтиёт қисмлар келтирилди. Уларнинг умумий қиймати 410 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалик техникаси заводлари негизида ташкил этилган ўнлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Улардаги хорижий сармоя ҳиссаси анча баланд. Масалан, "Ўзқишхўжтаъминоттузатиш" қўмитаси тизимидаги ўн битта қўшма корхонанинг умумий низом жамғармаси 5 миллион 770 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг 49 фоизи чет эл сармоядорларига тегишлидир.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири. Шу боис, уни ривожлантириш учун сармоя жалб этиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Тошкентда ўтказилган семинарда ҳам бу борада амалга оширилган ишларга баҳо берилиб, корхоналарнинг сармоя жалб қилиш имкониятлари кўриб чиқилди, амалда бўлган ёки режалаштирилаётган лойиҳалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг

# ҚЎШМА БАЁНОТИ

2000 йилнинг 20-21 апрелида Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига ишчи ташрифи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари Ўзбекистон - Қозоғистон муносабатларининг долзарб масалаларини муҳокама этиб, ўзаро манфаатларига доир минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашиб, қуйидаги баёнотни қабул қилдилар:

1. Давлатлар раҳбарлари 1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик шартномасига содиқ ҳолда, икки томонлама ҳамкорликнинг барча жабҳаларини янада чуқурлаштиришга бўлган ўзаро интилишни тасдиқладилар.

2. Давлат раҳбарлари икки давлатнинг мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига содиқликларини таъкидладилар.

3. Томонлар икки мамлакат ўртасидаги давлат чегараларини белгилаш муҳимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳуқуқий тамойилларга оид чегараларни белгилаш бўйича бошланган музокаралар мавжуд халқаро амалиётга мувофиқ адолатли ва омилкорлик, ўзаро тушуниш руҳида ўтиши лозимлигини таъкидладилар. Улар бу борадаги музокаралар жараёнидан қониқиш ҳосил қилганликларини билдириб, уни тез орада якунлаш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги чегара икки давлат қардош халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлиб қолишида якдилдирлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти икки мамлакат халқлари фаравонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон-Қозоғистон савдо-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштиришга бўлган ўзаро интилишни тасдиқладилар.

Улар мазкур ташриф доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари ўринбосарлари бошчилигидаги Томонлар делегациялари учрашувлари натижаларидан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

Икки мамлакат ҳукуматларига аниқ қарорлар қабул қилиш мақсадида яқин орада ишчи музокараларини ўтказиш юклатилди.

5. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар асосида йўловчи ва юк транспорти соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирадилар ва ўз ҳудудларидан йўловчилар ва юклар, жумладан транзит ташиш учун қулай шароитлар яратадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, гиёҳванд моддалар, руҳий фалажловчи моддалар ва прекурсор, қурол-яроғлар контрабандаси, чегаралараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштирадилар.

Томонлар икки давлатдан бирига қарши ҳар қандай ҳаракатларга умумий таҳдид сифатида қарайдилар ва уларга қарши самарали курашиш учун барча чораларни қўллайдилар. Зарурат туғилганда қўшма ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар амалга оширилади.

Шу маънода Қозоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган мазмунли ва самарали музокаралар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга унумли ҳисса қўшишини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга самимий ва очиқ кўнгилли қабул учун миннатдорлик билдирди ва Қозоғистон Республикасига расмий ташриф буюришни таклиф этди.

Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф муддати дипломатик каналлар орқали келишилади.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Президенти** | **Қозоғистон Республикаси Президенти** |
| **И. А. КАРИМОВ** | **Н. А. НАЗАРБОЕВ** |

Тошкент шаҳри, 2000 йил 21 апрел

# ИЗЧИЛЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАР АСОСИ

*Қарор ва шарҳ*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида янги қадамдир**

Бозор иқтисодиётига ўтишда кичик бизнес муҳим ўрин тутгани ҳолда, у кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш суръатларини белгилайди, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини янада самарали тақсимлашга ижобий таъсир кўрсатади. Кичик бизнесда ташкил этилган ҳар бир янги жой йирик корхоналарда яратилган жойга нисбатан камроқ харажат талаб қилади. Йирик корхонани қуриш ва ишга туширишга нисбатан кичик бизнесда кўпроқ самарали натижа берадиган фаолият юритиш мумкин. Айни чоғда кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмаларини тараққий эттириш бир қатор долзарб муаммоларни ҳал қилишга — аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, бюджетни ишсизлик бўйича нафақа тўлашга доир қўшимча харажатлардан озод этиш, ички истеъмол бозорини зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, соғлом рақобатни кучайтириш ҳамда шу тарзда маҳсулот сифатини ошириш ва нархларни пасайтиришга ёрдам беради. Буларнинг бариси охир-оқибатда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва мамлакат молиявий фаровонлигини оширишга олиб келади. Шунинг учун кичик ва хусусий корхоналар сонини кескин кўпайтириш, иқтисодиёт тузилмасида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг белгиловчи мавқеини таъминлаш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 25 фоизга етказиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришиш банк тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш ва мустаҳкамлашни ҳам талаб этади. Маълумки, банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида (2000 йил 21 март) аниқ белгилаб берилган.

Мазкур Фармонни ижро этиш ҳамда банк тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, банк оборотига бўш маблағларни жалб қилиш ва банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатувчи корхоналарни кредитлаш имкониятини кенгайтириш, банклар мустақиллигини таъминлаш ва аҳолининг молия-банк тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Шуни қайд этиш лозимки, кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш, уларга микрокредит ажратишда тижорат банкларига кўпроқ мустақиллик беришга йўналтирилган Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Тижорат банкларига кўпроқ мустақиллик берилиши уларнинг, айниқса, кичик ва ўрта бизнес тармоғида инвестицион фаолиятини кенгайтириш учун капитал базасини мустаҳкамлаш бўйича масъулиятини янада оширишни талаб қилади. Шу мақсадда мазкур қарорда 2000-2004 йиллар мобайнида, капиталлаштириш даражасига қараб, солиқлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг 10 фоизидан 30 фоизигача тижорат банкларининг ўз капиталларини оширишга ажратмалар ўтказилиши кўзда тутилган. Бу ресурс базаси барқарорлигини оширади ҳамда кичик тадбиркорлик тузилмаларининг кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришда эса уларга берилаётган кредитлар муддати муҳим рол ўйнайди. Шу мақсадда қарорда тижорат банкларига деҳқон ва фермер хўжаликларига қоида тариқасида камида икки йил муддатга кредит бериш, шунингдек, ишлаб чиқариш билан банд бўлган микрофирмалар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилаётган инвестицион кредитлар ҳажмини кенгайтириш тавсия этилган. Ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур тадбирлар деҳқонга фойда олиш ҳамда олинган кредитни ўз вақтида қайтариш имконини беради.

Маълумки, ривожланган хорижий мамлакатларда йирик инвестиция лойиҳаларини ўзаро бирлашган (синдикатлашган) ҳолда кредитлаш усули амалда кенг қўлланилади. Бошқача айтганда, йирик инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ва молиялаштириш жараёнида бир неча тижорат банклари иштирок этадилар. Кредитлашнинг бундай механизми, бир томондан, йирик инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали молиялашни таъминласа, иккинчи томондан, бундай лойиҳаларни кредитлашда иштирок этаётган банкларнинг таваккалчилигини пасайтиради. Айнан шу мақсадда қарорда тижорат банкларига синдикатлашган кредитлаш механизмини амалиётга жорий қилиш тавсия этилган. Ҳозирги вақтда Марказий банк йирик инвестиция лойиҳаларини синдикатлашган кредитлашга доир тавсияларни ишлаб чиқмоқда.

Республика аҳолиси учун ҳам, жисмоний шахслар учун ҳам банклар фаолияти, омонатлар (депозитлар) ва кредитларга доир фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумот муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумот асосида жисмоний ва юридик шахслар кўпроқ даромад олиш учун ўзларининг бўш маблағларини жойлаштириш ёки ўз фаолиятини ривожлантиришга кредитлар олиш мақсадида банкларни мустақил равишда танлайдилар. Ушбу қарорга мувофиқ, тижорат банклари эндиликда оммавий ахборот воситаларида турли омонатларга доир фоиз ставкаларини, шунингдек, берилаётган кредитлар бўйича ўртача ставкаларни мунтазам равишда эълон қилиб борадилар. Мазкур чора банклар фаолиятининг очиқлиги ва ойдинлигини ёритишга ёрдам беради, бундан ташқари, банкларнинг мижозлари билан шерикчилик муносабатларини ҳамда молиявий бозорда соғлом рақобатни кучайтиради.

Ҳозирги кунда республикадаги бешта банк — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Асакабанк", "Пахтабанк", "Саноатқурилишбанк" ва "Ўзбек-Турк" қўшма банки халқаро рейтинг баҳосига эга. Тижорат банкларининг мазкур рейтингдаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида қарорда Банклар уюшмаси ва тижорат банкларига халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини олиш чораларини кўриш вазифаси топширилган. Бу, биринчидан, манфаатдор шахсларга республикадаги тижорат банклари мавқеи тўғрисида объектив маълумот берса, иккинчидан, соғлом банк рақобатини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, банкларга халқаро бозорнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айланиши имконини беради ҳамда пировард натижада республика иқтисодиётига чет эл инвестициялари оқимини оширади.

Шу билан бирга, қарорда Банк тизимини 2000-2003 йилларда ислоҳ қилиш дастури ва чора-тадбирлари маъқулланган. Бу дастурнинг стратегик мақсади бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, уларни жаҳон банкчилик амалиётига яқинлаштириш ва охир-оқибатда ички ва халқаро молиявий бозорларда банкларнинг юқори даражада рақобат қилишларига эришишдан иборат.

Мазкур Дастурда инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиси сифатида тижорат банкларининг ролини ошириш, хусусий тадбиркорларга микрокредитлар беришни шакллантириш, банкларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, банк тизимини институционал ривожлантириш, банк иши, ахборотлар тизими ва технологияларини, банк менежменти ва кадрларни тайёрлаш усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек, тижорат банклари фаолияти устидан Марказий банк назоратини кучайтириш кўзда тутилган.

Мазкур қарорда ўртага қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллигини кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, банкларда жамғармалар ҳажмининг ўсишига ёрдам бериш ва ўз навбатида мамлакат иқтисодиётига кириб келадиган инвестициялар миқдорини кўпайтириш ҳамда республикада макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

**А. ҲАЙДАРОВ.**

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# МАРДЛИК

## ёхуд Истиқлолни авайлаш масъулияти

***«Ўзбекистоннинг бошига тушган кулфатни унинг айби дейишга уринишди. «Ўзбек иши», «пахта иши» деб аталмиш гаплар бунга мисол бўла олади. Жумҳурият, унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувишнинг азоб-уқубатидан, партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолат тизимларининг айнаб кетиши ва бузилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши уларнинг бошида яна айлана бошлади...***

***...Буларнинг ҳаммасини биз қатъиян рад этамиз ва асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг орномуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз!» (И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қилган маърузасидан. 1990 йил 5 июн).***

Бугун тўртинчи синфда ўқиётган боладан Наврўз қанақа байрам, деб сўрасангиз, бу энг чиройли, энг хушчақчақ байрам эканини, яқинда ҳам барчага сумалак тарқатилганини, ҳатто бир синфдоши телевизорда қўшиқ айтганини бийронлик билан сўзлаб беради. Сен туғилган кезлари Наврўз тақиқлаб қўйилган эди, десангиз, ҳайрон бўлади.

Бугун еттинчи синфда ўқийдиган ўсмирдан Амир Темур ким, деб сўрасангиз, Темур бобо буюк саркарда, қудратли ва адолатли подшо бўлганини фахрланиб гапиради. Сен туғилган кезлари Амир Темур номини тилга олиш мумкин эмас эди, десангиз тушунмайди.

Бугун олий ўқув юртида таҳсил олаётган ўн саккиз яшар талабадан экология нима, деб сўрасангиз, бу тушунчани илмий асослар билан далиллаб беради, Орол денгизининг фожиаси ҳақида ўкиниб гапиради. Сен туғилган кезлари юртимизда Орол фожиасидан баттарроқ кулфатлар бўлган, ҳалол меҳнат қилиб, пахта эккан минглаб боболаринг қатағон қилинган, десангиз, нега шундай бўлганини ақлига сиғдиролмайди...

Булар-ку, ёшлар. Ҳаётнинг пасти-баландини кўрган, ёши бир жойга бориб қолганлар ҳам бундан атиги ўн-ўн беш йил аввал юртимизда қандай талотўплар бўлганини кўп ҳам эслайвермайди. Гўё мустақиллик ўз-ўзидан, осмондан тушгандек. Гўё куни кеча ёппасига мутелик руҳи онгимизни заҳарламагандек. Начора, инсон хотираси унутишга мойил бўларкан, шекилли... Аммо халқ ҳаётида, жамият тарихида шундай воқеалар бўладики, уларни унутиш мумкин эмас. Унутишга ҳаққимиз йўқ. Уни фарзандларимизга вақти-вақти билан эслатиб туришимиз керак...

Яқинда Оқсарой қароргоҳида бўлган катта йиғинда Юртбошимиз миллий мафкура асосларини одамларга сингдирмай туриб, онгу тафаккурни янгиламай туриб, қуллик асоратларидан қутилиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Миллий истиқлол мафкураси мана шу азиз Ватаннинг ҳар бир фуқароси, айниқса ёшларни ўз юртини севишга, ўз қадриятларини авайлашга, ўзлигини англаб етишга, керак бўлса, ўз Ватанининг Истиқлоли йўлида жон фидо қилишга даъват этувчи мафкура бўлмоғи керак.

Юртбошимиз бу ҳақда кеча ёки бугун гапираётгани йўқ.

***«Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир.***

***Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим...» («Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзланган нутқ. 1993 йил 6 март).***

***«Янги мафкуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутеълик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир...» («Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. 1993 йил 7 декабр).***

Жон куйдириб айтилган бу гаплар тагида улуғ ва нурли мақсадлар ётибди. Оқсаройдаги ўша йиғинда ўтириб, ўзим гувоҳи бўлган, кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитган воқеалар, ўз қўлимга олиб ўқиган ҳужжатлар ёдимга тушди.

* * *

Саксонинчи йилларнинг ўртасига келиб, Ўзбекистон устида қора булутлар тўплана бошлади. Оммавий «қама-қама»лар авжига чиқди. «Пахта иши», «ўзбек иши» деган таҳқирли иборалар дунёга достон қилинди. Бу кампаниянинг туб моҳиятини дафъатан англаб етиш қийин эди. Кейин тушунсак, бу — мустабид тузумнинг навбатдаги «ўйини» экан. Бир томондан, СССР деган қудратли империя Афғонистонга бостириб кириб, жаҳон жамоатчилиги назарида «босқинчи» деган тамғага «сазовор» бўлди.

Нисбатан қисқа фурсатда шўро мамлакатига ўн мингдан ортиқ темир тобут келтирилди. Булар афғон урушида ҳалок бўлган йигитларнинг жасади эди. Иккинчи томондан шўро мамлакати ичида «дефицит», «коррупция», «порахўрлик» деган иллатлар болалаб кетди...

Шундай экан, жамоатчилик фикрини чалғитиш, жамики кулфатлар учун «айбдор» топиб, кимнидир қурбон қилиш керакми, ахир? Бундай ишлар биринчи марта бўлаётгани йўқ-ку! Ўттизинчи йиллардаги мажбурий коллективлаштириш миллионлаб деҳқонларни очликдан шишириб ўлдирди. Ҳамма айб «қулоқ»ларга тўнкалди. Бу билан ҳам шўролар диёри гуллаб-яшнаб кетмагач, «халқ душмани» деган янги қатағон бошланди. ГУЛАГ лагерларида миллионларнинг ўлиги қолиб кетди... Совет давлати иккинчи жаҳон урушида халқларнинг мислсиз фидойилиги билан ғолиб чиқди... Ажаб, шундай қаттол урушда енгган халқни давлат бошига кўтариши лозим эди. Бунинг ўрнига энди «янги айбдор»лар кашф этилди. Буни қарангки, ҳаммасига зиёлилар «айбдор» экан. Тағин қатағон бошланди...

Сталин қатағонларини қўмсаб қолганлар саксонинчи йиллар ўртасида Ўзбекистонни мўлжалга олдилар. Сабаб —Ўзбекистон шу минтақадаги энг нуфузли, кўп жиҳатдан қудратли республика. Обрўси баланд. Одатда, оиладаги энг обрўли фарзанд калтакланса, бошқалари қўрққанидан пусиб қолади. Устига-устак ўзбек ўта андишали, сабр-тоқатли халқ. Лекин бундай «катта юмуш»ни бошлашдан олдин унинг ипидан игнасигача пишитиб қўйиш керак-да! Бу масалада шўро давлатининг ҳам, компартиянинг ҳам тажрибаси етарли. Бу гал ҳам шундай бўлди.

1983 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг «тарихий» ўн олтинчи пленуми бўлди. КПССнинг раҳбарларидан бири Лигачев бошчилигида Тошкентга биринчи «десант» туширилиб, «пахта иши», «ўзбек иши» деган тамғани бутун бошли халқнинг пешонасига ёпиштирдилар. Эҳ-ҳе, қандай таъна-маломатлар бўлмади бу йиғилишда дейсиз. «Ўзбек халқига ишонч йўқ» дейилди. «Ўзбекистон чириб кетган республика», дейилди. «Ҳаммаёқ эскилик сарқитига ботиб ётибди», дейилди. Борингки, Наврўз байрами ҳам «ғоявий зарарли» тадбир, дейилди... КПСС Марказқўмининг Тошкентдаги лаббайчилари эса сут оқ эмас, қоралигини жон куйдириб «исботладилар». Бизга ўхшаган нотавонларга ўзларинг ёрдам бермасангиз бўлмайди, деб тавалло қилдилар.

Шундай қилиб, «ишнинг кўзини биладиган», «тажрибали кадр»лар «ёрдамга» етиб келишди.

Учқўрғонда шундай «кадрлар»дан бири билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Райкомнинг иккинчи котиби қилиб юборишган экан. Ўзи Воронеждаги аллақайси заводда инженер бўлиб ишларкан. Тавба! Воронежлик инженер наманганлик пахтакорга ғўза суғоришни ўргатса, узоқ шарқлик балиқчи сурхондарёлик чўпонга қўй боқишдан дарс берса... Хуллас, ўша инженер билан узоқ суҳбатлашдик. Дилкашгина йигит экан. Келганига уч ой бўлмай бинойидек анор сўйишни ўрганиб олганини айтди...

Дастурхон устида жиндай «қизиб» олгач, ғалати гапларни айтиб берди. «Буёққа юборишаётганда ҳушёр бўл, иложи бўлса хотинингни кўчага камроқ чиқар, у ердагилар ёввойи, босмачи, хотинингни ўғирлаб кетиши ёки сўйиб қўйиши мумкин, дейишганди. Аслида ўзбеклар ажойиб халқ экан. Меҳмондўст, бағрикенг...»

Мана шундай бағрикенг халқнинг юзини қора қилган ўн олтинчи пленумдан кейин одамлар баттар безиллаб қолди. Айниқса, бир коммунист отасининг тобутини кўтариб, қабристонга боргани, жаноза ўқитгани учун партиядан ўчирилиб, фельетон қилингач, ҳаммаёқ ваҳима бўлиб кетди. У пайтда партиядан ўчиш одамлик сафидан чиқиш ёки қамалиш деган маънони англатар эди... Ажаб, инсонни ўз падарининг тобутига елка тутиб сўнгги манзилга кузатишдек фарзандлик бурчидан жудо этган бунақа тузумнинг отини нима деб аташ керак?

Ўша кезлари шундай «ҳангомалар» бўлдики, эсласанг, йиғлашниям билмайсан, кулишни ҳам.

Бир ҳамкасбимизнинг онаси қазо қилди. Кўнгил сўрашга уйига бордик. Энди фотиҳага қўл очган эдик, ҳамкасбимиз минғиллади: «Ҳа, энди ўзлариям кексайиб қолгандилар. Майли, қўяқолинглар...» Шунда ўзбек тилини яхши биладиган рус адиби «Момони Худо раҳмат қилсин!» деб фотиҳа ўқиди...



СУРАТДА: Ислом Каримов оқсоқоллар даврасида.

КПСС Марказий қўмитаси, ўша пайтдаги шўролар давлатининг «доно сиёсати» билан Ўзбекистонга юборилган «кадрлар» неча пуллик наф келтирганини билмаймизу, «чекланмаган ҳуқуқлар» билан жўнатилган Гдлян, Иванов бошчилигидаги «десантчилар» мислсиз бедодликлар қилди. «Чекланмаган ҳуқуқ» дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида ҳеч кимга берилиши мумкин эмас. Аммо «энг адолатли», «энг гуманний» совет юртида мумкин экан! «Десантчилар» ноқонуний усулларни қўллаб, минглаб бегуноҳларнинг «айбини бўйнига қўйди». Ҳўлу қуруқни баравар ёндирди.

Мана, ўша жабрдийдалардан айримларининг гувоҳликлари.

***«Сўроқ вақтида терговчи бундай деди: «Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга кўнмасанг, қизларингни зўрлаймиз!» (Жуманиёзова Зуҳра хотирасидан).***

***«Сени ҳозир турмага олиб кетадилар. Сен болангни ўша ерда туғасан!» деганларида қўрқиб кетдим». (Ҳомиладор аёл Нуримбетова Аважон хотирасидан).***

***«Яна бир сафар навбатдаги дўппослашдан кейин Иванов ёнидагиларга қараб, айтди: «Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай ҳеч нима ёзиб бермаса, уни учинчи қаватдан ташлаб юборинглар. Кейин ўзини ўзи ташлади, деб акт тузиб қўямиз». (В. Иззатов хотирасидан).***

***«Агар қайсарлик қилаверсанг, пешонангга сиёҳ сурамиз-да, қоқ миянгдан отиб ташлаймиз!» деди Иванов дағдаға қилиб. (Т. Қаҳрамонов хотирасидан).***

***«Шахсан Гдляннинг топшириғи билан 75 ёшли Туркменов, 70 ёшли Жўраев, 83 ёшли Жуманиёзов, 91 ёшли кампир Иброҳимова уриб-сўкиб терговга қилинган... Эмизикли боласи бор Камолова 1988 йил 2 июндан 5 июнгача тўхтовсиз сўроқ қилинган. Кечалари болани атайлаб чирқиллатиб йиғлатганлар ва эмизишга қўймаганлар...» (Кейинчалик Ўзбекистон Олий суди олиб борган тафтиш пайтида тасдиқланган ҳужжатдан).***

***«Ўзбекистонни тиканли симлар билан ўраш, миноралрага эса соқчилар қўйиб қўйиш керак. Чунки бу ерда ўғрилар ва порахўрлар яшайди!» (Гдляннинг «ўнг қўл» ёрдамчиси Карташян «баёнотидан»).***

Савол туғилади. Бутун бошли халқни бадном қилган, икки қўли билагигача қонга ботган бу «адолат посбонлари»нинг ўзи ким эди?

***«Учта дипломат қўлга киритилди. Биттасида — тилла тангалар. 50-100 сўмлик совет пуллари, заргарлик буюмлари... Иккинчисида — заргарлик буюмлари, тилла тангалар. Учинчи дипломат 1982 йилда чиқарилган заём облигациялари билан тўла».***

***(Гдлянчилар гуруҳи тўлдирган актдан).***

Ҳуқуқшуносликнинг кўчасига яқин келмаган одамда ҳам савол пайдо бўлади. Юрист деган жонивор расмий ҳужжатни шунақа тўлдирадими? Тилла тангалар қанча эди? Пул неча сўм эди? Заём қанча сўмлик эди? Заргарлик буюмлари нималар эди ва кимдан олинди? Бир бечоранинг ўлимлигига атаб қўйганими ёки ўғлимни уйласам, келинимга бераман, деб тишида тишлаб юрган момомерос билакузугими? Ўша тақинчоқ ва пулларнинг қанчасини «десантчи ҳуқуқшунослар»нинг ўзи гумдон қилди?

Хунрезлик давом этар, халқнинг фиғони фалакка етган, афсуски, ўша пайтда республикага раҳбарлик қилганлар бу оҳу нолаларни эшитмас эди... Эҳтимол, улар КПСС деган қудратли ташкилотнинг зуғумидан чўчиган бўлиши мумкин.

Лекин барибир армонли бир савол одамни қийнайди. Шўро давлатидан, КПСС Марказқўмидан қўрқиб, минглаб ўз фуқароларини, бегуноҳ одамларни кишанлаб, бедодликка йўл очиб бериш шартмиди? Юртимиз айниб кетди, бизга жаллод юборинг, деб илтижо қилиш шартмиди? Инсоф билан айтганда, қайси ота ўз хонадонида нохушлик рўй берса, қўшнини чақириб чиқиб, мана бу боламни отиб ташла, бунисини қамоққа тиқ, манавинисини хумордан чиққунча савала, дейди?!

Қизиғи шундаки, «десантчилар» ниятига етгач, халқнинг қўлига кишан солган айрим раҳбарларнинг ўзини ҳам қамоққа тиқдилар. Бу ҳам сийқаси чиққан усул эди. Аввал бировнинг қўли билан олов ушлайдилар, сўнг ўша қўлнинг ўзини кесиб, алангага ташлайдилар. Гулхан баттарроқ ловиллаши учун...

Ниҳоят, 1989 йил июн ойида Ўзбекистонга Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбар бўлиши билан вазият тубдан ўзгарди. Мамлакат раҳбари ўтказган биринчи мажлисидаёқ халқнинг дилини ўртаб ётган масалани — «пахта иши», «ўзбек иши» масаласини кўтарди. Унга бутунлай бошқача — адолат нуқтаи назаридан қарашни талаб қилди. Орадан ҳеч фурсат ўтмай республика раҳбариятининг халққа мурожаати эълон қилинди.

**«Ифтихор билан айтиш мумкинки, жаҳон халқлари олдида бўлганидек, Ватан олдида ҳам ўзбек халқининг юзи юруғ, кўнгли покиза!» («Меҳр риштालари узилмасин!» мурожаатномасидан).**

Эслаб қолинг, бу воқеа 1989 йил июл ойида, Ислом Каримов республикага раҳбар бўлган дастлабки кунларда бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди.

Ўша кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий судида махсус ҳайъат тузилиб, минглаб жилд «жиноят ишлари» қайта кўриб чиқилганида тўрт ярим мингдан ортиқ фуқаро ноҳақ ҳибсга олингани, Гдлян гуруҳидагилар уларни азоблаб, йўқ «айби»ни бўйнига қўйгани, аслида бу «ҳуқуқ посбон»ларининг ўзи каззоб, жиноятчи шахслар экани аён бўлди. Табиийки, уларни «чекланмаган ҳуқуқ»лар билан юборганлар ўз шотирларининг бундай чуви чиқишини истамас эди. Ўша пайтдаги СССР Бош прокурори Трубин Ўзбекистон Олий Советига хат йўллаб, бундай қилиш иттифоқ қонунларига зид эканини таъкидлаб, дағдаға қилганида Ислом Каримов ўша хатнинг тепасига «Архивга!» деб ёзиб қўйди...

Бу воқеа 1989 йили бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди.

* * *

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси Ислом Каримовни Ўзбекистон Президенти қилиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Собиқ шўро республикалари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб Президентлик бошқаруви тизимига ўтди.

Бу воқеа 1990 йил 24 март куни бўлди. Ҳали Истиқлол йўқ эди...

* * *

«Пахта иши», «ўзбек иши» компанияларининг дарду ташвиши камлик қилганидек, республиканинг ўзида ҳам алғов-далғовлар авж олган, Фарғона, Қўқон, Бўка воқеалари катта фожиаларга олиб келиши мумкин эди.

Тошкент вилояти прокуратурасининг масъул ходими Нурали Эргашев ҳикоя қилади.

«У пайтда мен Бўка туманининг прокурори эдим. Ростини айтсам, Фарғона фожиалари ҳам, Бўкадаги тўполонлар ҳам арзимаган сабаб билан бошланган тасодифий, «стихияли» воқеалар, деган гапга ишонган эдим. Аслида бундай эмаслигини кейинроқ пайқадим. 1990 йил февралида Бўкада кўтарилган ғалаённи аланга олдиришга уринган, «ур!», «ёқ!»,«ўлдир!», «қириб ташла!» деб айюҳаннос солаётганлар орасида ўзини Ватан «эрки» учун, халқлар «бирлиги» учун камарбаста деб майдонга чиққан бақироқлар оз эмаслигини кўрдим. Қолаверса, бу «халқ ҳаракати»ни узоқдан туриб бошқараётган кучлар ҳам бор эканини англадим. Бўлмаса, бўкаликлар номидан «адолат» талаб қилаётган оломоннинг саксон фоизи бегоналар эканини нима билан изоҳлаш мумкин? Оломон орасидаги ёшяланг ларга шиша-шиша ароқларни ким тарқатди?

1990 йилнинг 17 феврал куни Бўкадаги ҳолат таҳдидли тус олди. Оломон жунбушга келса, туппа-тузук одамлар ҳам эс-ҳушини йўқотиб қўяркан шекилли, ур-сур, ёндир-куйдир бошланди! Бўка марказида, собиқ райком биноси олдида қарийб минг кишилик оломон тўпланди. Вилоят, туман, борингки, республика вакиллари гап бошламасидан оғзига уришди. Бизга Каримовнинг ўзи керак, дейишди.

Ислом Каримов етиб келганда оломон тағин ҳам кўпайган, ғалаён авжига чиққан эди. Вазият шундай бўлдики, шаҳардан келган республика раҳбарлари, Тошкент вилояти бошлиқлари, Бўка райони раҳбарлари бино ичида қолиб кетди. Ислом ака эса бир ўзи халқ олдига чиқди! Ёнида милиция ходими ҳам, бирорта соқчи ҳам йўқ эди. Халойиқ Ислом Каримовни бир зумда ўраб олди. Бирови пахта экиб, косаси оқармаганини айтади, бирови туман раҳбарларининг адолатсизлигидан шикоят қилади, яна бири нима хоҳлаётганини ўзи билмайди. Биттаси айниқса баланд овозда ҳайқиргани эсимда.

«Ўртоқ Каримов! Сиз ҳам марказдагилардан қўрқасиз. Сиз ҳам ўшаларнинг айтганини қиласиз!» «Мен улардан қўрқмайман, — деди Ислом Абдуғаниевич осойишта қатъият билан. — Мен уларнинг айтганини қилмайман!»

Шунда ғалати иш бўлди. Қозондек қайнаб турган оломон бир зум жимиб қолди. «Нима дедингиз? — деди бояги чинқироқ овоз. — Яна бир марта қайтаринг!»

«Мен улардан қўрқмайман! — Ислом ака яна ўша осойишта қатъият билан давом этди. — Менга пахта эмас, сизлар кераксиз! Менга халқим керак! Менинг кўнглимда халқимга атаб қўйган кўп яхши ниятларим бор. Шу ният йўлида жонимни ҳам аямайман! Фақат орзуим ушалиши учун тинчлик керак. Билиб қўйинглар, агар сизлар бошқа кучларнинг сўзига кириб қон тўксангиз, биродаркушлик қилсангиз, юртимизда ҳеч қачон тинчлик бўлмайди!»

Ўша қалтис паллада Ислом ака «бошқа кучлар» деганда кимларни назарда тутганини, кўнглида халққа атаб қўйган яхши ният эса юртимиз мустақиллиги эканини кейин англаб етдим...

Оломон билан мулоқот қарийб ярим кечагача давом этди. Президент одамларнинг гап-сўзларини сабр-тоқат билан тинглади. Ҳар бир саволига муносиб жавоб берди. Охир-оқибат тўпланганлар «Ислом ака, биз Сизга ишондик», деб тарқалди...

Бу воқеа 1990 йил 17 феврал куни бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди...

* * *

Ўша йили Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди бўлди. Кўп делегатлар бу мажлис руҳи ҳам аввалгилардан фарқ қилмайди, тағин КПСС Марказий Комитети шаънига ҳамду-санолар ўқилади, «пахта иши», «ўзбек иши» учун «юқори»дан узр сўралади, деб ўйлаган бўлса, эҳтимол... Лекин бу мажлис бутунлай бошқача бўлди.

Ислом Каримовнинг ўша съездда қилган маърузасини ҳозир ҳам ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Мамлакатимиз раҳбари ўзбек халқининг, умуман, Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан тили қисиқ жойи йўқлигини баралла айтиб, одамларни муте бўлмасликка, ўз ҳақини талаб қилиш, ўз нафсониятини ҳимоя қилишни ўрганишга чақирганда залда ўтирганлар дафъатан эсанкираб қолгани эсимда.

Назаримда, шу куни бўҳтон ва зулмлардан қадди букилган халқнинг кўнглида неча ўн йиллардан бери мудраб ётган ғурур туйғуси уйғонгандек бўлди. Кўкрагига шамол тегиб, қадди ростланди. Дунё олдида юзи ёруғ бўлди. Яқин кишилари қамоққа тиқилганларнинг кўнглида, хайрият, дунёда адолат бор эканку, деган умид пайдо бўлди.

Бу воқеа 1990 йил 5 июн куни рўй берди. Ҳали Истиқлол йўқ эди...

Сўнг КПССнинг XXVIII съезди бўлди. Ҳозирги ёшлар билмаслиги мумкин: у пайтда КПСС съезди «тарихий воқеа» саналар, унга дунёнинг деярли барча мамлакатларидан вакиллар келар эди. Ислом Каримов бу анжуманда ҳам нутқ сўзлади.

***«Жуда бой хомашё ресурсларига, ноёб табиат-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон жумҳуриятда етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳлаш мумкин?..***

***Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу — одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда... Нима учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад Ўзбекистонда иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар кам, асосий истеъмол моллари ва хизмат билан таъминлаш даражаси эса мамлакатда нима учун энг паст даражада? Меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшаётган жумҳурият қандай қилиб ана шундай аҳволга тушиб қолди?» (И.А.Каримовнинг КПСС XXVIII съезди эрталабки мажлисида сўзлаган нутқидан).***

Съезд ҳайъатида айнан ўша «пахта иши»ни ўйлаб топганларнинг ўзи ўтирар, бундай гаплар уларга асло-асло ёқмас эди! Ислом Каримов ўз нутқида Орол денгизининг қуриб бораётгани Чернобил фожиасидан кам эмаслигини, бу муаммони бутун мамлакат миқёсида ҳал этиш лозимлигини ҳам куйиниб гапирди. Ўзбекистон делегацияси Оролни қутқариш масаласини яқин беш йиллик программасига киритишни таклиф қилди. Модомики, денгиз пахта ҳосилини ошириш йўлида қурбон бўлаётган экан, пахта эса фақат Ўзбекистон учун эмас, бутун шўролар мамлакати учун керак экан, демак, денгизни экологик ҳалокатдан қутқариб қолиш ҳам СССР даражасида ҳал этилмоғи керак... Мана шу оддий мантиқ ҳам ҳисобга олинмади. Таклиф овозга қўйилган эди, «қабул қилинмади!» деган ёзув пайдо бўлди.

Ҳамон кўз ўнгимда турибди. Шу паллада Ислом ака Горбачевнинг ёнида ўтирган эди. Шу ёзув пайдо бўлиши билан шартта ўрнидан туриб, президиумдан залга тушиб кетди. Ўзбекистон делегацияси съезд залидан чиқиб кетди!.. Бу ҳақда матбуот ёзгани йўқ, телевизор кўрсатгани йўқ. Негаки, КПССнинг яқин олтмиш йиллик тарихида бундай воқеа бўлмаган эди.

Бу воқеалар 1990 йил 4 ва 5 июл кунлари бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди.

Президентимизнинг ақл-заковати, қатъият ва шижоати туфайли «ўзбек иши» туҳмат экани исботланди. Табиийки, бу айб билан ноҳақ азоб чекаётганлар фақат ўзбеклар эмас, улар орасида турли миллат вакиллари бор эди. Ва уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон фуқаролари эди. Бири Тайга ўрмонларида, бири Қозоғистон чўлларида, бири Нижний Тагил қамоқларида ётган маҳбуслар Ватанига қайтарилди. Битта қўймай! Ҳаммаси!..

Ўйлаб қарасангиз, мана шу ишнинг замирида ҳам миллий мафкура борлигини кўрасиз.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз олиб бораётган кўпқиррали фаолиятнинг бир қирраси, мустақиллик арафасидаги бўронли даврда амалга оширилган улкан ишларнинг бир қисми, холос.

Шу муносабат билан бир фикрни айтгим келади. Ўша воқеаларнинг гувоҳи бўлган, ҳатто ноҳақ азоб чекканларнинг ўзи ҳам негадир хотираларини ёзмайдилар. Ҳадиси шарифда «Илмни қалам билан боғлаб қўйинглар» деган ибора бежиз айтилмаган. Инсон хотираси унутишга мойил. Агар бошқа бирон халқ шундай фожиани бошидан кечирган бўлса, уни бутун дунёга достон қилган бўлур эди. Негаки, бу гапларни эслаш авлодлар учун керак. Улар бугуннинг қадрига етиши, Истиқлолни авайлаши учун керак...

Оқсарой қароргоҳида миллий мафкурага бағишланган йиғилишда ўша воқеаларни эсладим. Сўнг унутиб бўлмайдиган тағин бир ҳодиса — 1999 йил 16 феврал воқеаси ёдимга тушди.

Ўша куни бир гуруҳ олчоқлар Президент тимсолида Ўзбекистон истиқлолига тажовуз қилдилар. Бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, бинолар вайрон қилинди... Вазирлар Маҳкамасининг шу кунга белгиланган йиғилишини эртасига кўчириш мумкин эди. Қолаверса, ҳар ким ҳам тирик жон, Ислом ака ўша куни толиққан асабларига ақалли бир неча соат ором бериб, дам олса, буни ҳамма тўғри тушунган бўларди. Йўқ, ҳукумат мажлиси худди ўша куни, икки соатдан кейин Олий Мажлис биносида бўлди. Президентнинг осойишта оҳангда биринчи айтган гапи тўпланганларга далда бериш бўлди.

Қани эди, каттами-кичикми, ҳар бир раҳбар сабот ва қатъиятни, фидойиликни, иш услубини Юртбошимиздан ўрганса!

Қани эди, ҳаммамиз шундай қилсак...

